

ЧОР БАКР МАЖМУАСИ - ҲАЗИРАЛАР АРХИТЕКТУРАСИ

Бобоёрова Шахноза Розиковна

Таянч докторант (Ўзбекистон) Тошкент архитектура-қурилиш институти

Тел.: (93) 435-10-65 e-mail: arx_shaxnoza85@mail.ru

Ушбу мақолада Абдуллахон II даврида шаклланган Бухородаги Чор Бакр мажмуаси ва жуйборий шайхларининг ҳазиралари архитектураси тўғрисида ёритилган. Чор Бакр мажмуаси ва унинг қурилиш услуби тўғрисида ёзилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: Бухоро, Чор Бакр, ҳазира, дахма, хонақоҳ, масжид, минора, пештоқ, гумбаз, мажмуа,.

Диёrimizning ҳар бир масканида бекиёс ёдгорликлари мавжуд бўлиб, уларга бўлган эътибор сўнгги даврларда кучайиб борди. Шу ўринда Бухоро ўзининг узоқ тарихи давомида фаол қурилиш ва қайта қуришнинг бир неча босқичини бошидан кечирган шаҳар сифатида даврлар мобайнида бугунга қадар ўзининг бекиёс кўринишини акс этиб келмоқда. Шайбонийлар Мовароуннаҳрни забт этгач нафақат Бухоронинг иқтисодий ва маданий маркази сифатда мавқеи ошиб борди, балки меъморликдаги юксалиш чўққиси ҳам ана шу даврда бошланди. Биз фикр юритмоқчи бўлган мажмуалардан бири бу Бухородаги Чор Бакр мажмуасидир. Мусулмон дунёсида дафн этиш иншоотлари асосий турлари бу мақбаралар ва ҳазиралар саналади.

Ҳазира (араб.)-атрофи ихоталанган жой, қабристондаги хилхона, бир неча одам кўмилган турбат тагхонаси.

Ҳазира – арабча “тўсиқ”, “ниқоб”, “экран”, “қалқон”, тоҷикча “девор”, қўплик сонда - “қабр”, ”кўмиш жойи” маъноларга эга. “Ҳазира” мемориал архитектура иншоот тури деб аниқлашга канадалик архитектура тарихчиси Л. Голомбекнинг тадқиқотлари ҳам туртки бўлди. Турли даврдаги турли манбалардаги муҳим материаллардан фойдаланиб, у 500 йил давомидаги терминологиясини кузатиб борди ва шу хulosага келди: «Ҳазира»нинг меъморий атамаси «мақbara», «мадраса», «работ», «хонақоҳ» ва бошқалар билан бир хил - бир архитектура атамасидир [1,117-б].

IX асрдан бошлаб мақбаралар қурилиши кенг ривожланган бўлишига қарамай, оилавий некрополларга “ибодатхона”-зиёратхоналарга дафн этиш одати бутун ўрта асрларда Ўрта Осиё ва унинг ҳудудларида сақланиб қолган. Шаклан хилма хил бўлган мажмуалар композицияси қурилишини тушиниш учун ибодат маросимлари қоидалари келтирилган. Бу қоидалар тик турган ҳолда бажариш, қабр устида ўтирмаслик, қабристонда намоз ўқимаслик кабилари киради. Бу қоидалар биринчи галда ибодат маросимлари билан боғлиқ йўналишлар ва уларнинг баъзиларида меҳробнинг йўклигини кўрсатади. Буни биз Л.Голомбекнинг тадқиқотларида кузатишимииз мумкин. Арабча “ҳазира” сўзи ёпиқ маконнинг мақсадидан қатъий назар, умуман олганда “панжара” деган маънени англаради. Наршахийнинг фикрича, бу ҳам катта ер эгалиги,

ҳам қалъа деворларининг ҳалқаси демакдир. Бу атамани Л.Голомбек меъмориал меъморликка нисбатан маъносини тарихий манбаларга кўра аниқлаб берган. Ҳазира, одатда ҳурматли қабристон атрофидаги панжара, ҳазира томсиз иншоот. Ҳазира икки қисмдан иборат: панжара билан ўралган қабристон ва зиёратчилар учун масjid, хонақоҳ ёки такия вазифалари билан боғлиқ диний муассасалар. Ҳазира мажмуаларида дахлсиз жой ажратилди- ибодат маркази ва “Фаолият зонаси” бу ерда таомлар тайёрланади, дарслар ва ибодатлар ўтказилади. Бу икки алоҳида обьектни бирлаштирган Ҳазира мажмуалари меъморилигида ўз аксини топди. Ҳазира мажмуаларининг типолигияси ҳали етарлича ўрганилмаган, бироқ ҳозирда тантанали бинони асосий дафн билан бирлаштириш усулига кўра уларни тузишнинг бир қанча меъморий усулларини ажратиб кўрсатиш мумкин [2, 281-282-б].

Абдуллахон II нинг муваффақиятли ва узоқни кўра оладиган қурилиш сиёсатига бағишиланган ҳукмронлиги Бухорода қурилиш соҳасида бурилиш даврини юзага келтириди [3, 12-бет].

XVI аср меъморчилиги ва қурилишининг энг юқори чўққига юксалганлигини кўриш мумкин. Бу даврда Бухоро меъморчилик мактаби янада фаолроқ шаклланди. Кўпгина диний бинолар-масjid, хонақоҳ, мадраса, шунингдек иншоотлар-тим, тоқ, ҳаммом, карвонсаройлар, сардоба, кўприклар каби типлари мукаммаллашиб борди.

Эътиборимизни Бухорога қаратганлигимиз бежизга эмас. Бухоронинг Абдуллахон II даврида барпо этилган Чор Бақр мажмуаси ва унда жойлашган ҳазиралар архитектурасига қаратмоқчимиз.

Чор Бақр мажмуаси Бухоро шаҳридан 6 км ғарбда Сўмитан қишлоғида жойлашган мажмуалардан бири ҳисобланиб, асосан XVI асрдан яъни Абдуллахон II давридан бошлаб шакллана бошлаган, шаҳарнинг Талипоч дарвозаси орқали мажмуага борилган. Мажмуа асосан даҳмалар ва ҳазиралардан ташкил топган.

Чор Бақр меъморий обидалар мажмуи қуидагича:

- 1.Қорихона, 2.Чиллахона, 3.Дарсхона, 4.Таҳоратхона, 5.Саъдулло Хожа ҳазираси,
- 6.Акобир Хожа ҳазираси, 7.Насриддин Хожа ҳазираси, 8.Абдулазиз Хожа ҳазираси,
- 9.Атоулло Хожа ҳазираси, 10.Зайнаб Султон Хоним ҳазираси, 11.Имомат ҳазираси,
- 12.Обид Хожа ҳазираси, 13.Хожа Саъд ҳазираси, 14.Мастурабону Султон ҳазираси,
- 15.Пошшоийим ҳазираси ва чиллахоналари, 16.Жонкелдибий даҳмаси, боболари ҳазираси, 17.Мозори Дароз чиллахонаси, 18.Абу Бақр Саъд ҳазираси, 19.Мажмуанинг асосий дарвозаси [7].

Пўгаченкова Г.А. “Чор Бақр” номли мақоласида келтирилишича, Чор Бақр Бухоро ташқарисидаги Сўмитан қишлоғи Жуйборий шайхларнинг оилавий мақбарасидир. У Абу Бақр Сааднинг қабри атрофига шаклланган. XVI асрдан бошлаб Сумитан Абдуллахон ҳокимиятини қўллаб қувватлаган нуфузли Хўжа Исломнинг мулкига айланди. 1558-59 йиллардаги буйруқ билан 1563 йил масjid, мадраса, хонақоҳ

мажмуаси қуриб битказилди. З та асосий бино бир-бирига боғланган бўлиб, уларнинг нозик порталлари, баланд барабанларида гумбаз, икки қаватли аркадалар ажралиб туради [4].

Чор Бакр қурилиши узоқ давом этди- шу тариқа қабр тошлари сағаналар, монументал қабр паралипепедлари, даҳма билан қопланган ҳовли ва йўлаклар гуруҳи пайдо бўлди. Лекин асосий меъморий мажмуа З та композицион жиҳатдан ўзаро боғланган хонақоҳ, мадраса ва масжид гўё учаласи бир бўлиб асосий фасадини шарққа шаҳар томонга бўради. Шимолий томондан тўртбурчак шакли масжид, жанубда хонақоҳ, кенг хочсимон гумбазли иншоот, бурчакларида хужралар бор. Улар орасида ҳосил бўлган тўртбурчаклар бўшлиқ оҳирида мадрасанинг икки қаватли ҳужралари билан ёпилган бўлиб, у очиқ ҳовли вазифасини бажаради. Бу ҳовлида асосий ўқда минора ўрнатилган. Бу вертикал асосий иншоотларнинг кенгайтирилган таркиби билан солиштирганда, уларнинг кенг кўламли аҳамиятини ва атрофдаги бинолар билан фазовий муносабатини оширади. Масжид ва хонақоҳда чукур яримгумбазли бўшлиқ портали бўлиб, мозаик ёзувлардан иборат силлиқ лента билан ҳошияланган. Уларнинг ён жабҳалари икки қаватли лоджиялар тизими билан безатилган, бу анъанавий турдаги бинолар учун ҳам мутлақо ғайри оддийдир. Хонақоҳ ва масжиднинг ички кўриниши ниҳоятда ажойиб, XVI асрнинг бухоролик усталари қайта-қайта янгича услубда, гумбазли шифтлар айниқса “чор-замин” тизимининг янги версиялари масжидда таассурот қолдиради. Бу ерда кучли камарлар ёрдамида тўртбурчак режадан квадратга ўтиш амалга оширилган, унинг устига гумбазли тор, жуда нозик барабан асосланади. Деворлардан аркларга ва улардан якуний гумбазли скуфга ўтиш, сталактитлар билан бой безатилган, ганчдан куйма тўрли қиррали елканлар ёрдамида амалга оширилади, мураккаб геометрик шаклларни ҳосил қиласи ва конструктив енгиллик, қўтариш хусусиятларини беради [5, 187-188-б]. Чор Бакрнинг интеръери XVI аср бухоролик усталарнинг ички маконни нақадар моҳирлик билан ўзлаштиргани, эластик ғишт ва ганч конструкциялар тизимида эга тўртбурчак, хочсимон, квадрат режани бадиий тарзда кийинтирганликларини кўрсатади. Ички қаватлар мураккаб стериометрик тизимларнинг ҳаракатчанлиги, енгиллиги, деярли вазнсизлиги хусусиятларини олади ва шунга қарамай Чор Бакрга энг катта қизиқиши унинг ансамбл ечимиdir. Уч томондан кенг очиқ майдонга қараган минорали майдончани ҳошия қилиб унинг атрофида енгил ёрдамчи бинолар ва қатор қабрлар, масжид, хонақоҳ ва мадраса меъморий маконни ташкил этади [5, 189-б].

Чор Бакр меъмориал ансамблида Жуйборий шайхларнинг оилавий қабрлари жойлашган ҳовлилар бор. Ҳар бир ҳовли-некропол қўшнисига туташиб кетган панжаралар билан ўралган бўлиб, олд қисми ансамблнинг асосий кўчаси томон қаратилган. Сагана билан тўлдирилган ҳовлиларга гумбазли дарвозалар орқали киради. Унинг ён томонларида меъмориал масжид-айвон, некропол томон очилган, хужралар эса асосий фасад томон очилган. Бу композиция вақт ўтиши билан ўзгариб турди: 1558-59-йилларгача

яратилган объектлар соддалаштирилган, баъзан дарвоза масжиддан ажратилган. XVI-XVII асрларнинг иккинчи ярмида объектларда дарвоза қисми ривожланган, хужра сони 1-6 гача, масжид-айвонлар кенгайган [2, 285-б].

Ансамбл биноларининг ўқлари бир бирига параллел, бинолар бир-бирига туташ бўлиб, Чор Бакр некрополидаги марказий ансамблда коридор бинолари билан биргаликда ишлатилган [2, 287-б]. Чор Бакр некрополи “Марҳумлар шахри” номи билан ҳам танилган.

Мажмуадаги энг қадимги ва хурматга сазовор бўлган дафн бу ўта хурматли шахс, Жўйбор сайидлари уругининг асосчиси Шайх Абу Бакр Саъднинг қабри даҳмаси ҳисобланади.

IX-X асрларда Чор Бакрнинг энг қадими қисмида Абу Бакр Саъд шарафига дахма, хилхона ва сағана барпо этилган. Бу ерда 26 та ҳовли, дарвозахона, пештоқлар, мадраса, масжид-хонақоҳ, ҳаммом, дам олиш хужралари, ҳовуз, дарсхона, мустаҳбоналардан ягона бир ансамбль вужудга келган [6, 14-б].

Е.Г.Некрасованинг Чор Бакр китобида келтирилишича, XI асрда Абу Бакр Саъд ва унинг ўғлини авлиёлар даражасига кўтарилиб, қабрлари зиёратгоҳ-мозорга айланган. XII аср охирида бухоролик Муҳаммад Ауфи бу жой машҳур мозор эканлигини ёзади ва ўша пайтдаги мамлакат ҳукмдорларидан Арслонхон Муҳаммад (1102-1130) масжид ва ҳовуз қуришни буюради. Бироқ ушбу келтирилган масжид ва ҳовуз бугунги кунга қадар сақланиб қолмаган. Яна шундай маълумот келтириладики, 1563 йилда Хожа Жўйборий ҳали қурилиши тугалланмаган хонақоҳ биносида истеъмолда вафот этади ва васиятига кўра Абу Бакр Саъд қабри ёнига дафн этилади. Унинг барча имтиёzlари тўнғич ўғли Хожа Сад (Хожа Калон)га ўтади. Шу пайтдан бошлаб Чор Бакр Жўйборий шайхларининг аждодлари қабрига айланган.

XVI асрнинг 60 йиллари бошида, майдони 330 м² ортиқ иморати бизнинг давримизга қадар сақланиб қолган хазиранинг тубдан қайта қурилиши рўй берди. Бу шунчаки ўраб олинган ҳовли эмас, балки усти ёпилмаган, портал, меҳроби улкан лаҳаддан, қархисида қўшни хазираға элтувчи йўлак ва умумий пойdevор устига қурилган девордан иборат ҳақиқий монументал иншоот ҳисобланади. Янги хазирада биринчи бўлиб Хўжа Ислом Жўйбари дафн этилган. [1, 122-б]. XVII асрда жуйбариylарнинг аёллари ва болалари учун хазира бошқача қурилган. Бу юқори пойdevор устида қурилган, сирти тош билан қопланган иморатдир. Уларнинг мемориал қисми рўпарасида-усти ёпилмаган даҳлизлар ва Қуръони Каримни ўқиш учун хоналар (корихона). XVIII-XIX асрларда хазиралар бўлакча қурилган: бир-биридан ажратилган икки қисмдан иборат: мемориал ва истиқомат жойлари, бироқ улар ҳам пойdevорга кўтариб қўйилган. Бош фасад монументал портал билан жиҳозланган, унинг рўпарасида- сўфининг жойи. Унга порталларнинг қанотларида ўрнатилган ҳужра эшиги олиб боради. Мемориал

ҳовлиларнинг интеръерларида-айвон кўринишидаги жаноза ўқиладиган масжидлар [1, 123-б].

Хулоса шундаки, асосан XVI асрдан бошлаб Бухоро архитектураси ва меъморий мактаблари юксалганлигини қўриш мумкин. Абдуллохон II даврида шаклланган Чор Бакр мажмуаси ҳам ва унда жойлашган ҳазиралар бир бутун яхлитликни ўзига хос тарзда намоён этади. Мажмуа коридор услубида шаклланган ва ҳар бир ҳазира порталлари гўё муҳташам бир бинони акс этаётгандек кўринади. Бу мажмуада қурилган обидалар услубий жиҳатдан бир-бирига ўхшашиб, мажмуанинг доминант бинолари масжид, мадраса, хонақоҳ ва минора ҳамда ҳазиралар ўзига хос тарзда қурилган ва композицион ечимга эга.

АДАБИЁТЛАР

1. Е.Г.Некрасова Бухоро воҳасининг Архитектура ёдгорликлари. Чашма-и Аюб. Ташкент-2019 г. 117-122-123-бетлар
2. Л.Ю.Маньковская Формообразование и типология зодчества Средней Азии IX-начало XX века Т.:2014г 281-282-285-287ст
3. Воронина В. “Архитектурные памятники Средней Азии” Бухара, Самарканд. Ленинград.: 1969 г. 12-стр.
4. Пўгаченкова Г.А. “Чор Бакр” Р-2773 ОП-3 Д-56 Статьи машинаписная копия 1988-1992 г.
5. Пугаченкова Г. Самарканد Бухара М.: 1968 г. 187-188-189-бетлар
6. И.Муҳсинов, М. Муҳсинова Гўзалликнинг боқий умри Бухоро-2011 й 14-бет.
7. Хусенов С., Ражабова И. Чор Бакр Тошкент-2001 й.

Интернет маълумотлари

1. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Buxara>
2. <https://meros.uz/object/Chor-Bakr>